Kuch – bilim va tafakkurda

Ma'rifat

МАЪРИФАТ • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ •

1931 йилдан чиқа бошлаган | 1999 йил 14 июль, чоршанба | Баҳоси сотувда эркин нархда | № 56 (7149)

Da`vat

Бизнинг пировард мақсадимиз—инсон ҳуқуқлари ҳар томонлама ҳимоя қилинадиган маърифатли жамият барпо этишдан иборат.

Ислом КАРИМОВ

Ibrat

Тошкент Давлат болалар касалликлари тиббиёт институтига қарашли лицей янги ўқув йилидан академик лицей мақомини олади. Бунинг учун мазкур даргоҳда мустаҳкам ўқув-моддий негиз яратиш учун қизғин тайёргарлик кўрилмоқда.

МАЪНАВИЯТ-МАЪРИФАТ РЕСПУБЛИКА КЕНГАШИ ТАШАББУС ГУРУҲИ МАЖЛИСИ

Вазирлар Маҳкамасида Маънавият-маърифат республика кенгаши ташаббус гуруҳининг мажлиси бўлиб ўтди. Унда гуруҳ аъзолари — давлат ва жамоат ташкилотлари, вазирликлар, қўмиталар, ижодий уюшмалар, оммавий ахборот воситалари, олий ўқув юртларининг раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раисининг ҳамда вилоятлар, Тошкент шаҳри ҳокимининг ўринбосарлари иштирок этди.

Мажлисни республика Бош вазирининг ўринбосари Ҳ. Кароматов олиб борди.

Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги мухбирининг саволларига жавоблари «Ушёрликка даъват» номи билан алоҳида китоб шаклида чоп этилди. Унда ижтимоий-иқтисодий тараққиётни янада жадаллаштириш, аҳолини, айниқса ёшларни миллий ва умумбашарий қадриятлар руҳида тарбиялаш, миллий мафкурани шакллантириш бўйича белгилаган теран фикр-мулоҳазалар, кўрсатмалар барчамизни бу борада чуқур мушоҳада юритишга ва амалий ишларга ундамоқда. Ташаббус гуруҳининг мажлиси ҳам мазкур масалалардан келиб чиқадиган вазифаларга бағишланди.

Мажлис қатнашчилари шуни қайд этишдики, бугунги кунда мафкуравий кураш нафақат мамлакат ичида, балки халқаро миқёсда ҳам кескин паллага кирди.

Бугун кимнинг мафкураси, маънавияти, миллий ғояси қудратли бўлса, ўша енгиб чиқади. Президентимиз Ислом Каримов ўз асарларида бир неча бор уқтириб ўтганидек, «мафкура полигонлари ядро полигонларидан кучлидир». Ҳозирги вазиятда қуроллар билан эмас, балки «фикрга қарши фақат фикр, ғояга қарши фақат ғоя, жаҳолатга қарши фақат маърифат» билангина курашиб, олға бориш мумкин.

Сўзга чиққанлар мустақил демократик ва фуқаролар дунёвий жамиятини барпо этиш йўлида халқимиз эришаётган ютуқларни, тинч-осойишта турмушимизни кўролмаётган ғаламис кучларнинг хавфсизлигимизга раҳна солиб, ёшларимизни йўлдан уриш, уларнинг онгига бизга ёт бўлган ақидаларни сингдириш борасидаги хатти-ҳаракатларининг пайини қирқиш жамоат ташкилотлари олдида турган долзарб вазифа эканлигини таъкидладилар. Мазкур соҳада муайян ишлар амалга оширилаётганини эътироф этган ҳолда, маънавий-маърифий тарғибот масалаларида ўзибўларчиликка йўл қўйилаётгани, бу муҳим ишда тарқоқлик, эътиборсизлик, тасодифий тадбирлар ўтказиш билан чекланиб қолинаётганига мажлисда алоҳида эътибор қаратилди. Маънавий ҳаётда муҳим ўрин тутувчи, ўз фаолияти билан кишиларимиз онгига, тафаккурига, дунёқарашига таъсир кўрсатишга, янги инсонни тарбиялашга дахлдор бўлган ўнлаб давлат ва жамоат ташкилотлари, жамғарма ва ижодий уюшмалар бўла туриб, бу муҳим вазифа бугунги кун талаблари даражасида бажарилмаётир.

Мажлисда одамлар онгида, тафаккурида туб ўзгаришларга эришмай туриб, кўзланган олий мақсад — озод ва обод жамиятни барпо қилиб бўлмаслиги алоҳида қайд этилди. Шу боис ҳам жамиятимизда миллий манфаатларимизга зид ва бузғунчи ғоявий кучларга қарши кураш олиб борадиган самарали тизим шакллантирилмоғи лозим. Мажлисда афсус билан қайд этилганидек, жойларда маънавий-маърифий ишларга эътибор сусайиб кетган. Хусусан, мамлакатда амалга оширилаётган сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ислоҳотлар, ҳаётимизни фаровон қилиш, жамиятимизни янгилаш мақсадида олиб борилаётган кураш ва шу эзгу ниятларимизга тўсиқ бўлиб турган муаммолар, дунёда юз бераётган муҳим воқеалар моҳиятини кенг жамоатчиликка содда, ҳаётий мисоллар ёрдамида тезкорлик билан етказиш ишлари қониқарсиз аҳволда. Бу масаланинг нақадар муҳимлигини англаб етмайдиган, унга бепарво муносабатда бўлаётган раҳбарлар ҳам учрайди. Очиғини айтганда, маънавият ва мафкура соҳасидаги тарғибот-ташвиқот ишларимиз кўпинча тор доирада қолиб кетмоқда. Аҳолининг кенг қатламларига, айниқса, тажрибасиз, дунёқараши чекланган айрим ёшларнинг онгига етиб бормаяпти.

Бунинг натижасида ҳали онги шакланмаган, ғўр ёшлар ёт таъсирларга, бузғунчи ғояларга кўр-кўрона берилиб, ёвузлик гирдобига тушиб қолмоқдалар. Мудҳиш февраль воқеалари шуни кўрсатди.

Давлатимиз раҳбари бугунги долзарб вазифа жамиятимиз барча аъзоларини, энг аввало вояга етиб келаётган ёш авлодни комрон қилиб камол топтириш, уларнинг қалбида миллий ғоя, миллий мафкура, ўз Ватанига меҳр-садоқат туйғусини мустаҳкамлаш, ўзлигини англаш, миллий ва умумбашарий қадриятлар руҳида тарбиялашдан иборат эканлигини қайта-қайта таъкидламоқда. Сирасини айтганда, маънавият ва мафкура борасида қанчалик муҳим ва зарур ишлар амалга оширилаётган бўлсада, айрим ҳолларда, афсуски кеч қоляпмиз. Юртбошимиз томонидан белгиланган бу вазифалар нега мукаммал бажарилмаяпти? Нега уни ҳаётга татбиқ этишда айрим зиёлиларимиз, хусусан, фан арбоблари, олимлар, шоир ва ёзувчилар, «Маънавият ва маърифат» маркази ходимлари лоқайдлик кўрсатмоқда? Нега улар томошабин бўлиб турибди?

Дарҳақиқат, бугунги кунда мафкуравий кураш, айниқса комрон авлод тарбияси масаласи муҳим аҳамият касб этмоқда. Шу боис, миллий истиқлол мафкураси ва мустақиллик ғояларини кенг жамоатчилик онгига сингдириш, аҳолининг барча қатламлари орасида тарғибот ва ташвиқот ишларини такомиллаштириш, уларнинг таъсирчанлигини ошириш мақсадида мунтазам фаолият олиб борадиган самарали тизимни вужудга келтириш учун Маънавият-маърифат республика кенгаши тузиш тўғрисидаги таклиф мажлис иштирокчилари томонидан қизғин қўллаб-қувватланди.

Сўзга чиққанларнинг билдирган фикр-мулоҳазалари, амалий таклиф ва тавсияларини инобатга олиб, мажлисда Маънавият-маърифат республика Кенгаши ташаббус гуруҳининг қарори қабул қилинди. Қарорга кўра, бу борадаги ишларни амалга ошириш учун Ташкилий гуруҳ тузиш ва унга бир ой муддат ичида Кенгашнинг таркибий тузилиши, фаолият йўналишлари, мақсад ва вазифалари акс этган Низом ва Дастур ишлаб чиқиш вазифаси топширилди. Кенгаш қошида замонавий билимга эга, миллий мафкура ва истиқлол ғояларини чуқур идрок эта оладиган, уларни кенг жамоатчиликка таъсирчан шаклда етказишга қодир бўлган, фидойи, ватанпарвар зиёлилардан иборат жамоатчи тарғиботчилар гуруҳи тузиш таклифи ҳам маъқулланди. Кенгашнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар бўлимларини тузиш, уларга шу масъулиятли вазифага билими ва маънавий-маърифий савияси жиҳатидан мос келадиган ҳокимларнинг бевосита раҳбарлик қилиши мақсадга мувофиқ деб топилди.

Маънавият-маърифат республика кенгашининг таъсис конференциясини 1999 йил 10 августга қадар Тошкент шаҳрида ўтказиш белгиланди. Маънавият-маърифат республика Кенгашини тузиш бўйича Ташкилий гуруҳ раҳбари этиб Бош вазир ўринбосари Ҳ. Кароматов тайинланди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Т. Алимов сўзга чиқди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчилари Н. Жўраев, А. Зиё, Т. Рисқиев, Президентнинг Ахборот-таҳрир хизмати раҳбари М.Муҳаммад Дўст, Президент девони Ахборот тарғибот-таҳлил маркази раҳбари С. Ҳакимов, Бош вазир ўринбосари, республика хотин-қизлар қўмитаси раиси Д. Ғуломова, Тошкент шаҳар ҳокими К. Тўлаганов қатнашди.

(ЎзА)

8 ЙИЛ ТАЪЛИМ ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИДА

1998 йил 5 январда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси «Узлуксиз таълим тизимини дарсликлар ва ўқув адабиётлари билан таъминлашни такомиллаштириш тўғрисида» қарор қабул қилди.

ҲУШЁР БЎЛАЙЛИК

Munosabat

Ойнаи жаҳон орқали намойиш этилган «Февраль воқеалари» видеофильмини кўзда ёш билан томоша қилдим. Ватан ҳоинларига бўлган нафратим янада ортди. Бу кўнгилсиз воқеани уюштирган инсонлар нега бундай қилишди экан? Ахир, улар ҳам шу муқаддас юрт фарзандлари эдилар-у. Буни фақат «Тузини еб тузлиққа тупуриш» деб аташ мумкин. Энди гуллаб-яшнаётган Ватанимизнинг тинчлигини бузиб, пойтахтимиз кўркига кўрк қўшиб турган биноларимизни вайрон қилиб ва энг ачинарлиси қанча-қанча бегуноҳ инсонлар қонини тўкиб, улар нимага эришмоқчи бўлдилар? Канчадан-қанча ота-оналарни фарзанд доғида йиғлатиб, қанчадан-қанча гўдакларни ота-она меҳрига зор этиб, Ўзбекистонга «раҳбар» бўлмоқчи бўлганлар нимага эришди. Улар фақатгина халқимизнинг қарғишига қолди.

Ўз юртини арзимаган пул эвазига сотган, кейинини ўйламай босган қадамлари, ножўя ҳаракатлари учун улар одил суд олдида жавоб беришди. Айбларига иқрор бўлишди, халқимиздан кечирим сўрашди, лекин кеч бўлди. Улар айбларига яраша жазоларини олдилар. Лекин биз ёшлар, уларни ҳеч қачон кечирмаймиз. Бу воқеадан сўнг, бизнинг Ватанга бўлган меҳримиз, муҳаббатимиз янада ортди. Энди бизнинг олдимизда битта вазифа, у ҳам бўлса ҳушёр тортиб, ўқиб, илм олиб Ўзбекистонимизни дунёга танитишда Юртбошимизга таянч бўлишдир.

Мунира АСЛОНОВА,
Тошкент шаҳридаги 288-мактаб битирувчиси

JUMLADA JAHON

• 1999 йил июль ойида рўй берган табиий офатдан зарар кўрган Тожикистоннинг Ленинобод вилояти аҳолисига мурувват ёрдами кўрсатиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг фармойиши чиқди.

• Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида бўлиб ўтган ижтимоий мажмуа йиғилишида ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар боришининг ҳамда «Аёллар йили давлат дастури» бажарилишининг 1999 йил биринчи ярим йиллик натижалари кўриб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони билан Баҳодир Эргашевич Хўжаев Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг раиси этиб тайинланди.

• Тўққиз ҳафтадан буён уруш давом этаётган Кашмирда аҳвол янада кескинлашиб, ҳатто Покистон дипломатиясининг раҳбари Сартож Азизнинг таъкидлашича, «...агар бизнинг суверенитетимизга хавф туғиладиган бўлса, Покистон ядро тугмасини босиб юбориши мумкин», мазмунидаги баёнотни беришгача бориб етди.

• Исроил Бош вазири Эхур Барок ўз вазифасига киришгач, бир қатор араб мамлакатлари раҳбарлари билан музокаралар ўтказиб, Яқин Шарқдаги тинчликни тезроқ тиклаш масаласига ўз фаолиятида алоҳида эътибор берганини қайд этди.

АҲВОЛНИ ЎНГЛАСА БЎЛАДИМИ?

Yangi o'quv yiliga tayyorgarlik

• Таълим муассасаларини кўмир ва печ ёқилғиси билан таъминлаш аҳволи нега яхшиланмаяпти?

• Хушхабар: Самарқанд вилояти Ургут тумани мустақиллигимизнинг 8 йиллиги байрамини 8 та янги мактаб билан кутиб олиш ташаббуси билан чиқди.

• Янги ўқув йилига тайёргарлик қандай бормоқда? Вилоятлар халқ таълими бошқармалари ўртасида ўзаро текширув ва тажриба алмашиш йўлга қўйилади.

• «Қиш тадоригини ҳозир кўринглар! Йўқса, кеч бўлади».

• Ҳар бир раҳбарнинг «Бизнес-режа»си бўлиши зарур ва шарт.

• Муҳокама қилинган масалалар яна бир бор таҳлил қилинади.

Кейинги йилларда Ўзбекистон шаҳар ва қишлоқларида барпо этилган кўпгина бинолар ва иншоотларни ноёб қурилишлар сирасига киритиш мумкин. Шулар қаторида замонавий мактабгача таълим муассасалари ва мактаблар ҳам қурилдики, бу муайян муваффақиятларга эришганлигимиз далилидир. Бироқ Республика Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 21 майида чиққан «2000 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикасида қишлоқ ижтимоий инфраструктурасини ривожлантириш дастури тўғрисида»ги 182-сонли Қарорининг ижроси бўйича 1996-1998 йиллар ва 1999 йилнинг биринчи ярмида амалга оширилган ишлар кўнгилдагидай эмас. Янги мактаблар қурилишида сусткашликка йўл қўйилаяпти. Мактабларга кўмир ва печ ёқилғисини жамғариш йиллик режаси Бухоро, Андижон вилоятларида 50 фоизга етказилган бўлса-да, айрим вилоятларда бу кўрсаткич 10-16 фоиздан ошмаган. Ўғил-қизларни дарслик ва ўқув қўлланмалари билан таъминлашда ҳам қатор муаммолар мавжуд. 1999-2000 ўқув йилига ва кузги-қишки мавсумга тайёргарлик ишларининг борши тўғрисидаги Халқ таълими вазирлигининг шу йилнинг 9 июли куни ўтказилган навбатдаги марказий штаб йиғилишида ана шу каби масалалар ҳақида таҳлилий фикр юритилди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, вилоят бошқармаларининг қурилиш, таъмирлаш ва молиявий ишлар бўйича мутасаддилари ва таълим-таъминотга масъул шахслар иштирок этишди.

Халқ таълими вазирлиги «Таълим-таъмимот» Бош бошқармаси бошлиғи Баҳодир Ҳамидов, «Таълим муассасаларини кўмир ва печ ёқилғиси билан таъминлаш аҳволи ва уни янада яхшилаш чоралари тўғрисида» гапирар экан, жойларда кўмир ва печ ёқилғисини жамғариш ҳануз жиддийлигича қолмоқда, деб таъкидлади. Гап шундаки, кузги-қишки мавсумга кўмир тайёрлаш режаси Қорақалпоғистон Республикасида 6 фоиз, Хоразм вилоятида атиги 3 фоиз бажарилган холос. Қашқадарё вилоятида эса печ ёқилғиси 8 фоиз, кўмир жамғариш 16 фоизга уддаланган. Наманган, Самарқанд вилоятларида ҳам бу борадаги аҳвол мақтанарли даражада эмас.

Бухоро вилояти печ ёқилғисини тайёрлашда орқада қолаётган бўлса-да, кўмир жамғаришда олдинги сафда боришмоқда. Улар йиллик режани 52 фоизга бажаришган, яъни 4600 тонна кўмир жамғарганлар. Андижон вилоятида бу кўрсаткич 48 фоизни ташкил этади.

Кўриниб турибдики, янги ўқув йили учун кўмир ва печ ёқилғисини жамғаришда икки хил—хуш ва нохуш манзараларга дуч келинмоқда. Халқ таълими вазири Жўра Йўлдошев аҳволни йиғилганларга батафсил таҳлил қилиб берди. Шунингдек, у мазкур аҳволни ўнглаш юзасидан амалий таклиф ва фикрларини баён қилди.

(Давоми 2-бетда)

ОМАД БИЛИМДОНГАГИНА КУЛИБ БОҚАДИ!

ёхуд тестнинг "қулф"ига тушмайдиган "калит"ни сотаётган учарлар ҳақида

Abiturient — 99

Синов палласи тобора яқинлашмоқда. Ҳар бир абитуриент ана шу синовдан муваффақиятли ўтиб олишни, дилидаги эзгу ният—кириш имтиҳонларини муваффақиятли топширишни истайди. Айниқса, ўқишга кириш учун бир неча марта ҳаракат қилиб, синовлардан ўта олмаган абитуриент ҳар қандай йўллардан фойдаланиш тадбирини излаб кўради. Очиғи, ўқишга кириш ва муваффақият билан ўқиб кетиш танлаган касбни эгаллашнинг ягона йўли —чуқур ва асосли билимга эга бўлишдир. Кўп йиллик кузатувлар шуни кўрсатмоқдаки, касбни ўз вақтида танлаган, унинг ижтимоий ва иқтисодий моҳиятини тушунган ёшлар ўқишга киришга мактабда ўқиб юрган вақтлариданоқ тайёргарлик кўриб боради. Ўқув фанларини, айниқса, танлаган соҳаси учун зарур бўлган фанларни чуқур ўрганади. Зарур бўлганида мактаб ўқитувчиларидан қўшимча ёрдам олиб мустақил ишлайди. Баъзи ҳолларда репетиторлик хизматидан фойдаланадилар.

Маълумки, «шпаргалка»дан фойдаланиш — бу эски имтиҳон тизимидан қолган иллат. Имтиҳон билетларининг сони кам бўлган пайтларда саволларга жавоблар ёзилиб, уни имтиҳонга олиб кириш кенг тарқалган эди. Ачинарлиси, кейинги пайтларда йигит ва қизлар орасида жамият ва абитуриентларнинг ўзи учун ўта зарарли бўлган «шпаргалка»дан фойдаланишга интилиш ҳоллари учрамоқда.

Ана шу каби иллатларнинг олдини олиш мақсадида Давлат Тест марказида «шпаргалкадан» фойдаланиш йўлларига қарши тадбир-чоралар кўрилмоқда. Ҳар йили имтиҳонга киритиладиган фанлардан 700-800 тестлар банк жамғармасига қўшилиб, унинг умумий миқдори 80000 дан ошиб кетди. Чунончи, одамнинг хотираси бундай миқдордаги жавобни ёдлаб ололмайди. Дейлик, ҳар бир фан бўйича 7000-8000 дан ортиқ тест тузилган. Машина ёрдамида шу тестлардан имтиҳон вариантлари тузилиб, уларнинг жавоблари қўлга бериб қўйилган ҳолда ҳам ноқобил абитуриент имтиҳон давомида жавобларни топа олмайди. У ўз вақтини бекорга сарфлаб, ўз имконияти етадиган саволлар жавобини топишдан маҳрум бўлади.

Айрим "учар" ўқитувчилар томонидан тайёрланиб, анча қимматга пулланаётган «шпаргалка»лардан фойдаланиб бўлмайди. Тест маркази ходимлари томонидан 1999 йил апрель, май, июнь, июль ойларида ўтказилган қатор текширув рейдларида, маълум бўлдики, олий ва ўрта махсус ўқув юртларининг домлалари ва мактаб ўқитувчилари тайёрлаб берган «шпаргалка»лар ўқувчилар, «ишбилармон», «тадбиркор»лар томонидан ўқув юртларининг атрофида, метро бекатларида мўмай пулга сотилмоқда. «Шпаргалка»лар «Ахборотнома» журналларида чоп этилган тестларнинг жавоблари бўлиб, уларнинг жуда кўпчилиги Тест марказининг тўғри жавобларига мос келмайди.

Метронинг «Беруний» номидаги бекатида, Тошкент Давлат тех-

(Давоми 2-бетда)

Ўқитувчи ёғи дафтарига

ҚАДИМИЙ УСУЛ

Избосканлик деҳқон Абдуллажон Акбаров пахтачиликда яна бир янгилик қўллади—ғўза қаторларининг бошига бир эгатдан нўхат экишни йўлга қўйди. Миришкор деҳқоннинг таъкидлашича, бу усул аслида ота-боболаримиз тажрибаси саналиб, нўхат пахтачиликка катта зарар етказадиган кўсак қуртига қарши яхши ҳимоя воситаси экан.

КУТИЛМАГАН ХУЛОСА

Австралиялик олимлар ўз илмий изланишлари самараси ўлароқ, қадимда филларнинг аждодлари денгиз остида яшаган, деган хулосага келдилар. Олимларнинг таъкидлашларича, 30 миллион йиллар муқаддам қуруқлик кўпайиб, сувлик камая бориши натижасида филлар қуруқликда яшашга мослаша борган ва уларда тана ўзгариши юз берган. Фақат ёрдамчи нафас олиш органи вазифасини бажарган хартумигина ўзгаришсиз қолган.

АҲОЛИ СОНИ ОШМОҚДА

БМТ мутахассисларининг хабарларига қараганда, ер юзи аҳолисининг сони шу кунларда олти миллиардга етди. 1987 йилда бу рақам 5 миллиарддан зиёдроқни ташкил этган эди. Мамлакатимиз аҳолиси эса 1998 йилда 24,1 миллион нафарни ташкил этган эди. 2025 йилга бориб бу рақам 36,5 миллионга етади, деб тахмин қилинмоқда.

ФОЙДАЛИ ДАРМОНДОРИ

Америка сиҳат-саломатлик Миллий институти тадқиқотчилари С витамини саратон касаллигининг олдини олишда муҳим роль ўйнаши мумкинлигига амин бўлишди. Бунинг учун кунига таркибида 100-200 миллиграмм миқдорида С витамини бўлган мева-сабзавотлар истеъмол қилиш лозим бўлади.

ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИСТИКА ФАКУЛЬТЕТИГА ҚАНДАЙ ЁШЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИЛАР?

Аввало, бундай факультет Жаҳон тиллари университетида ташкил қилиниши ҳақида шу йилнинг 26 февралида эълон қилинган Вазирлар Маҳкамасининг «Журналист кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги қароридан билиб олгандик. Яқинда олий ўқув юртларига ҳужжат қабул қилиш бошланди. Суҳбатдошимиз Гуландом опа Боқиева – Жаҳон тиллари университети халқаро журналистика факультетининг декани. Гуландом опага берган илк саволимиз сарлавҳадаги савол бўлди.

— Халқаро журналистика факультетига мустақил Республикамиз ва миллий истиқлол ғояларига садоқатли, юксак малакали журналист бўлишга иштиёқи баланд, она халқи ва Ватанига сидқидилдан хизмат қилишга аҳд этган, фаол жамоатчи, давлат тилини ва хорижий тиллардан бирини яхши биладиган, ўрта маълумоти ҳақида шаҳодатномаси (аттестати) бўлган ёшлар қабул қилинади.

— Халқаро журналистика факультетига талабаликка қабул қилинган ёшларни нималар кутмоқда?

— Аввало, улар ўз она тилларида журналистиканинг турли жанрларида қалам тебрата оладиган қаламкаш бўлиб етишишлари учун малакали мутахассислардан сабоқ оладилар. Қолаверса, улар инглиз, олмон, француз, испан, араб, япон, хитой тилларидан бирини ҳам мукаммал эгаллайдилар. Яна бир ўзига хос жиҳати шундан иборатки, яхши ўқиган талабаларимиз ривожланган давлатларнинг ўқув юртларида, оммавий ахборот воситаларида ўз билимларини бойитиб қайтадилар. Улар Ўзбекистонимиз оммавий ахборот воситаларининг чет эллардаги мухбирлари сифати фаолият кўрсатадилар.

ЭЪТИБОР БЕРИНГ!

Ҳурматли абитуриентлар!

Тест синовларини ўтказиш жараёнида фаол иштирок этинг!

Тест материаллари солинган қутининг бузилмаганлигини ва муҳрланганлигини текшириб кўринг.

Тест материалларини бирон-бир баҳона билан аудиториядан ташқарига олиб чиқиб, олиб кириш қатъиян маън этилади. Бундай ҳолатларга йўл қўймаслик Сизнинг фуқаролик бурчингиздир. Бундай ҳолат рўй берган тақдирда тегишли "Жавоблар варағи"нинг биринчи саҳифасидаги тегишли доирачани бўяб қўйинг ва ўз норозилингизни билдириб, дарҳол ДТМ вакилини аудиторияга чақиришини талаб қилинг.

Тест синовлари тугагач, аудитория раҳбари ва кузатувчиси Сизнинг иштирокингизда саволлар китоблари ва "Жавоблар варақ"лари солинган қути ва пакетларни ДТМга жўнатиш учун муҳрлайдилар. Бу ҳақда иккита абитуриент қути эмблемасига имзо қўяди.

Тест ўтказиш жараёни видеотасвирга ёзиб борилади. Қоидаларни бузган абитуриентларнинг тест натижалари бекор қилинади.

Аудиторияларда тест синовларининг адолатли ўтиши учун аудитория раҳбари ва кузатувчиси шахсан жавобгардирлар. Тест ўтказиш қоидаларини бузган шахслар қонун олдида жавобгар бўладилар.

DTMning abiturientlarga tavsiyalari

DTM Davlat Test Markazi

JAVOBLAR VARAG'I

Диққат! Жавоблар варағингизни бошқа абитуриентларга кўрсатманг!
Внимание! Не показывайте Ваш лист ответов другим абитуриентам!

Абитуриентлар диққатига!

1. Жавоблар варағини тўлдиришда фақат кўк (ҳаворанг) пастали шарикли ручкадан фойдаланинг. Фломастер ва сиёҳли авторучкадан фойдаланиш ман этилади.
2. Жавоблар варағи варианти (5-блок) билан саволлар китоби варианти мослигини текширинг.
3. Жавоблар варағи номерини 6-блокдан титул варағингиздаги ва рухсатномангиздаги мос катакларга кўчириб ёзинг.
4. Ўзингиз ҳақингиздаги маълумотларни 1-блокка ёзинг.
5. 2-блокни диққат билан ўқиб имзоланг.
6. 3-блокда ўзингизга мос келувчи доираларни бўянг.
7. Туғатган мактабингиз жойлашган вилоят, туман, шаҳар, шаҳар тумани кодларини, мактаб номерини, ўқув юрти ва ихтисослик кодларини 4-блокнинг мос жойларига титул варағингиздан кўчиринг ва доирачаларни мос равишда бўянг.
8. I - IX блоклардан танланган ихтисослигингизга мос келувчи тест ўтказиладиган фанларни аниклан. Чет тили ва иккинчи тил бўйича тест топшираётган абитуриентлар мос келган тилга тегишли доирачани бўяшлари шарт. Китобчадаги тест саволларига тўғри деб ҳисобланган жавобларингизни жавоблар варағининг тегишли фан блокларидаги доирачаларига белгиланг.
9. Ҳар бир тест саволига фақат битта жавоб белгиланганда жавоб тўғри белгиланган ҳисобланади. Агар битта саволга икки ёки ундан кўп жавоб белгиланса, ушбу саволга ноль балл берилади.

Внимaнию абитуриентов!

1. При заполнении листа ответов используйте шариковую ручку с синей пастой средней жирности. Применение фломастеров и чернильных ручек не допускается.
2. Проверьте соответствие варианта Вашего листа ответов из 5-блока и варианта книги вопросов.
3. Номер листа ответов из 6-блока перепишите в соответствующие клетки Вашего титульного листа и пропуска.
4. В 1-блок запишите свои данные.
5. Внимательно прочтите 2-блок и распишитесь.
6. В 3-блоке закрасьте кружочки, соответствующие Вашим данным.
7. В 4-блок перепишите из титульного листа цифры и закрасьте соответствующие им кружочки кодов области, района, города, городского района, где Вы заканчивали школу, номер школы, код учебного заведения, специальности.
8. Определите из блоков I - IX предметы, которые соответствуют дисциплинам тестирования по выбранной Вам специальности. Абитуриенты, проходящие тестирование по иностранному или второму языку, должны закрасить кружок соответствующего языка. Отмечайте в этих блоках Ваши ответы на задания из книги вопросов.
9. Правильное заполнение предполагает только один ответ на каждый вопрос. Если на вопрос даны два ответа и более, то этот вопрос оценивается в ноль баллов.

① Фамилиянгиз (Фамилия). А.Акрамов
Исмингиз (Имя). Тўлқин
Отангизнинг исми (Отчество). Умарович
Ўқув юрти (ВУЗ, ССУЗ). ТошДУ
Ихтисослик (Специальность). Иқтисодиёт

② Бу формани ўз дастхатим билан тўлдирганлигим ва кодларини тўғри белгилаганлигимни тасдиқлайман.
Эту форму я заполнил(а) собственноручно и подтверждаю правильность кодированных данных.
Имзо (Подпись)

③
● Эркак (Муж.)
○ Аёл (Жен.)
Қандай ўқув юртини ва қачон тугатгансиз?
Какое учебное заведение и когда заканчивали?
● Мактаб (Школа)
○ Лицей
○ Ҳунар билим юрти (Профтехучилище)
● Шу йилда (В этом году)
○ Илгари (Раньше)

Белгилаш учун намуна (Образец закрашивания)
● Тўғри (Правильно)
⊗ ◎ ◉ Нотўғри (Неправильно)

Сизнинг фикрингизча тест синовлари қандай ўтди?
Как по Вашему мнению прошли тестовые испытания?
● Тест қоидалари бўйича (Корректно)
○ Қонда бузилишлари бўлди (Некорректно)

ДТМ
Davlat
Test
Markazi

④

Вилоят (Область)	Туман (Район)	Шаҳар (Город)	Шаҳар тумани (Городской район)	Мактаб номери (Номер школы)	Ўқув юрти (ВУЗ,ССУЗ)	Ихтисос (Специальность)
13	249	374		015	314	1016

⑤ ВАРИАНТ 179

I. ОНА ТИЛИ ВА АДАБИЁТ (Родной язык и литература)

II. ЧЕТ ТИЛИ (Иностранный язык) ● Инглиз ○ Немис ○ Француз

III. ТАРИХ (История)

IV. ИККИНЧИ ТИЛ (Второй язык) ○ Ўзбек тили ○ Рус тили ○ Қорақалпоқ тили

⑥ НОМЕР 0 6 4 9 1 9 8
Диққат! Бу ерга ручка теккизманг
(Внимание! Здесь не закрашивайте)

V. МАТЕМАТИКА

VI. ФИЗИКА

VII. БИОЛОГИЯ

VIII. КИМЁ (Химия)

IX. ГЕОГРАФИЯ

«ЖАВОБЛАР ВАРАҒИ»НИ ТЎҒРИ ТЎЛДИРИНГ!

Ўзбекистон Республикасининг барча ўқув юртларига айни пайтда ҳужжатлар қабул қилиш қизғин давом этмоқда. Давлат тест марказининг барча мутахассислари ҳам 1999 йил тест синовларини ташкил этиш, уюшқоқлик билан ўтказиш борасида барча тайёргарлик ишларини амалга оширмоқдалар.

Радио, телевидение ва матбуот орқали абитуриентларга барча фанлардан консультациялар, тест топшириқларини бажариш юзасидан услубий материаллар бериб борилмоқда.

Газетанинг бугунги саҳифасида «Жавоблар варағи»ни тўғри тўлдириш юзасидан йўриқнома берамиз:

— тўлдирилган «Жавоблар варағи» абитуриентларнинг билимини баҳолашда асосий ҳужжат ҳисобланади;

— «Жавоблар варағи»ни картонга қўйинг ва «Абитуриентлар диққатига!» матнини диққат билан ўқиб чиқинг;

— «Жавоблар варағи»нинг (5) блокида белгиланган вариантнинг саволлар китобчаси муқовасида кўрсатилган вариантга мослигини текширинг;

— китобчадаги вариант рақами билан «Жавоблар варағи»да кўрсатилган вариантнинг рақами бир хил бўлиши жуда муҳимдир, акс ҳолда тест натижаси бекор қилинади;

— «Жавоблар варағи»нинг (6) блокида 7 хонали рақамни кўк (ҳаворанг) пастали ручка билан титул варағингиз ва рухсатномангиздаги мос жойларга ёзинг.

Абитуриент томонидан тўлдирилган «Жавоблар варағи» оптик қурилмаларда ўқилади ва натижалари компьютерларда таҳлил қилинади, шу сабабдан қуйидаги талабларга қатъий риоя қилиш керак:

— «Жавоблар варағи»нинг (1) блокига фамилиянгиз, исмингиз, отангизнинг исмини (паспорт асосида) ўқув юрти ва ихтисослик номини фақат кўк (ҳаворанг) пастали шарикли ручка билан ёзинг;

— (2) блокка «Жавоблар варағи»ни ва кодларни ўз дасхатингиз билан тўғри тўлдирганингизни тасдиқлаб, имзо чекинг;

— (3) блокдаги ўзингизга тегишли доирачаларни бўянг;

— «Жавоблар варағи»нинг (4) блокидаги мос катакларга титул варағидан вилоят, туман, шаҳар тумани, ўқув юрти, ихтисослик кодларини ва битирган мактабингиз номерини кўчириб ёзинг ва уларга мос доирачаларни бўянг, (Сиз мактабдан бошқа ўқув юртини битирган бўлсангиз катакларга ҳеч нима ёзманг);

— тўғри бўяш намунаси «Жавоб варағи»нинг биринчи бетида келтирилган;

— (6) блокдаги рақамлар тагидаги доирачаларга ручка тегизманг;

— саволлар китобчасида жавобларни белгилашни бошлашдан олдин «Жавоб варағи»ни чап томонингизга халақит бермайдиган қилиб қўйинг, ёнингиздаги абитуриентнинг «Жавоб варағи» билан алмашиб кетишига йўл қўйманг.

Саволлар китобида тўғри жавобларни белгилаш учун 3 соат (ўрта махсус ўқув юртлари учун 2 соат) вақт ажратилади. Саволлар китобчасида белгиланган жавобларни «Жавоб варағи»га кўчириш учун тестга ажратилган вақтдан ташқари 20 дақиқа вақт берилади.

Фанлар бўйича жавобларни «Жавоблар варағи»га тўлдириш жараёнида (саволлар китобидан жавоблар варағига кўчириш) саволлар блокларини (I-IX) чалкаштириб юборманг.

Доирачаларни бўяганда, жавоблар тешилиб қолмаслиги учун, ручкани қаттиқ босманг. Бўяш саранжомлик билан, доирачадан четга чиқмасдан, тўлиқ ва барча доирачалар бир текисда оч бўлмаслиги ва бир хилда тўқ бўлиши шарт. «Жавоблар варағи»нинг доирачаларини тўғри тўлдириш намунасига қаранг.

Саволлар китобида фанлар блокларида 36 тадан савол келтирилган, ҳар бир саволга 5 тадан (А, В, С, Д, Е) жавоб берилган, абитуриент улардан фақат битта тўғрисини китобчада белгилаб, кейинчалик жавоблар варағига кўчириши керак.

Агар абитуриент жавоблар варағида битта саволга иккита ёки бир нечта жавобни белгиласа, ушбу саволга балл берилмайди.

II-блокдаги чет тили ва IV-блокдаги иккинчи тил бўйича тест топшираётган абитуриентлар биринчи навбатда блоклардаги мос келган тилга тегишли доирачани бўяшлари ва ундан кейин фандаги тўғри жавобларни белгилаши шарт.

«Жавоблар варағи»ни ғижимлаш, четларини букиш, ҳар хил хираликда бўяш, турли белгилар қўйиш мутлақо мумкин эмас, чунки булар ЭҲМнинг оптик қурилмаларида ўқитилганда салбий натижаларга олиб келиши мумкин.

Саҳифада берилган «Жавоблар варағи»ни тўғри тўлдирилиши намунаси билан танишиб чиқинг.

Сизга омад тилаймиз!

ОМАД БИЛИМДОНГАГИНА КУЛИБ БОҚАДИ!

(Боши 1-бетда)

ника университетида, қаттоки, Давлат Тест марказининг эски биноси олдида «шпаргалка»ларни пуллаётган «ишбилармонлар» қўлга туширилди ва уларга тегишли чоралар кўрилди.

Давлат Тест маркази имтиҳонларда ишлатиладиган саволларни «Ахборотнома»дагига қараганда анча ўзгартирган. Бундан ташқари, аудитория раҳбарлари, кузатувчилар ва ДТМ вакилларига «шпаргалка» ишлатадиган абитуриентларга қатъий чоралар кўриш топширилган. Бундай абитуриентларга тест қоидаларига кўра дарҳол тегишли шаклдаги далолатнома тўлдирилади ва тест синовларидан четлаштирилади.

ДТМ ҳар бир абитуриентга маълум қиладики, тест топшириқлари бажаришга ўрта мактаб ўқув дастурини эгаллаганларнинг кучи етади. Чунки тест топшириқларининг 40 фоизи биринчи даражали қийинчиликда бўлиб, уларни осон ечиш мумкин. Бу кўпроқ абитуриентнинг хотирасига, билимларини қанчалик эгаллаб олганлигига боғлиқ. 30 фоиз тестлар иккинчи даражали қийинчиликда бўлиб, фаннинг маълум бир бўлимини билишни талаб этади. Қолган 20 фоизи учинчи ва 10 фоизи эса тўртинчи даражали қийинчиликдаги саволлар бўлиб, улар ўқувчиларнинг фанни қанчалик эгаллаганлиги ва чуқур тушунганлигини аниқлашга қаратилган. Кўриниб турибдики, абитуриент пухта тайёргарликка эга бўлса, тест топшириқларини қийналмай ечиши ва имтиҳонлардан муваффақиятли ўтиши мумкин.

Юқоридаги гапларни айтишдан мақсад шуки, абитуриентлар «шпаргалка» тайёрлаган учарларнинг тузоғига илиниб, ўзларининг пешона терлари билан топган ҳалол пулларидан ажраб қолмасинлар! Демоқчимизки, омад фақат билимдонларгагина кулиб боқади!

А.ШОЖАЛИЛОВ,
Давлат Тест маркази ходими

АҲВОЛНИ ЎНГЛАСА БЎЛАДИМИ?

(Боши 1-бетда)

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Капитал қурилиш ва таъмирлаш бошқармаси бошлиғи Раҳимжон Акромов иккинчи масала юзасидан – Республика Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 21 майдаги 182 сонли Қароронинг ижроси бўйича 1996-1998 йиллар ва 1999 йилнинг биринчи ярмида амалга оширилган ишлар ҳақида ҳисобот берди. Унда қайд қилинганидек, дастурнинг қишлоқда умумтаълим мактабларини ривожлантириш қисми бўйича муайян ишлар амалга оширилди. 1996-98 йилларда 174300 ўқувчи ўрнига мўлжалланган 528 та янги ва қўшимча мактаб бинолари қурилди, 1181 мактаб газлаштирилди, 636 та мактаб эса ичимлик суви билан таъминланди. Янги мактабларни ишга туширишда Бухоро, Жиззах, Самарқанд вилоятларида яхши кўрсаткичларга эришилди. Айни кунда ҳам юқорида номлари тилга олинган вилоятларда иш мароми кўнгилдагидай кетаяпти. Аммо баъзи вилоятларда ҳамон сусткашликка йўл қўйилаётир. Жорий йилда мактаб учун янги бинолар қурилиши аввалги йилларга нисбатан кескин камайиб кетди. 1999 йил режасида Қорақалпоғистон Республикасида 2008 ўринли 5 та, Қашқадарё вилоятида 2282 ўқувчига мўлжалланган 8 та, Сурхондарё вилоятида 3435 ўринли 10 та умумтаълим мактаблари барча маблағлар ҳисобига қурилиб фойдаланишга топширилиши лозим. Аммо бу режа Қашқадарё вилоятида атиги 20 фоизга бажарилган. Қорақалпоғистон Республикасида ва Сурхондарё вилоятида жорий йил капитал қурилиш адресли режа-дастурига киритилган янги мактаблардан биронтаси ҳам ишга тушмади. Мутасаддилар эса «бажарамиз»дан нарига ўтишмаяпти...

Қувонарлиси, янги ўқув йили арафасида Самарқанд вилояти Ургут туманида мустақиллигимиз 8 йиллигига 8 та янги мактаб биносини фойдаланишга топширишга ҳаракат қилинмоқда. *(Бу хусусдаги таҳлилий мақолани газетамизнинг навбатдаги сонларидан бирида ўқийсиз).* **Бу хушхабар айрим вилоятлар мутасаддиларини бир зум ўйга толдириши табиий. Негаки, ҳар ким изласа, ишласа, имконият, албатта, топилади. Фақат бунинг учун хоҳиш бўлиши лозим.**

Йиғилишда «Таълим муассасаларини янги 1999-2000 ўқув йилига ҳамда куз-қиш мавсумига тайёрлаш масаласи бўйича биринчи ярим йилликда амалга оширилган ишлар ҳақида»ги масала ҳам кўриб чиқилди. Бу масала юзасидан берилган ҳисоботлардан сўнг йиғилганлар олдига Таълимда давлат стандартлари мониторинги бошқармаси бошлиғи Рустам Аҳлиддинов «Янги ўқув йилига тайёргарликни нимадан бошлаш керак», деган саволни қўйди ва ўзининг бу борадаги фикрларини баён қилди. Сўнгра у бошқарма томонидан ишлаб чиқилган «Таълим муассасасининг янги 1999-2000 ўқув йилига тайёргарлиги тўғрисида қабул қилиш акти» намунавий ҳужжати тўғрисида маълумот берди.

Очиғи, жойлардаги барча мактаб директорлари янги намунавий ҳужжат ҳақида тўлиқ тушунчага эга бўлмасалар педагогик жамоа ишини тўлиқ таҳлил қилиб бера олмайдилар. Шу боис, йиғилишда янги ҳужжат асосида ҳисобот бериш, буни мактаб раҳбарларига етказиш юзасидан тавсиялар берилди.

Йиғилишда вазирликнинг дарсликлар ва мактаб ҳужжатлари бўлими бош мутахассиси Б. Жўрақулованинг «Халқ таълими вазирлиги ва Давлат матбуот Қўмитасининг 30 июнда ўтказилган мажлис баённомаси асосида таълим муассасаларини дарсликлар билан таъминлаш аҳволи ҳақида»ги ахбороти тинглади. Маълум бўлишича, жойларда дарсликлар таъминоти бўйича ҳамон суст ҳаракат қилинмоқда. «Ўқитувчи» нашриёти китоб билан шуғулланаётганларга 25 фоизли имтиёз бераётган бир пайтда таълим тизимида тадбиркорлик билан иш юритилмаяпти. Халқ таълими вазирининг таъбири билан айтганда, вилоят бошқармаларининг қурилиш, таъмирлаш ва молиявий ишлар бўйича мутасаддилари барчасида «Бизнес-режа» бўлиши зарур. Агар улар бу муаммо билан жиддий шуғулланганларида, айтиш жоизки, дарслик масаласи кун тартибига кўтарилмаган бўлар эди.

Жараёнда ўзаро мунозараларни кузатиб, йиғилганларда ишчанликка мойиллик, бир-бири билан тажриба алмашишга хайрихоҳлик хислатлари пайдо бўла бошлаганини ҳис қилдик. Шу боисми йиғилишда фақат орзу, тадбиркорликни қўмсаш билан иш битмаслиги алоҳида таъкидланди. Сирасини айтганда, йиғинда раҳбарлар олдига кенг кўламли, доимий меҳнатни талаб этадиган вазифалар қўйилди. Вазифаларнинг нечоғли бажарилаётгани эса шу йилнинг 26 июль куни вазирликда яна бир таҳлил қилинади.

Курбонбой МАТҚУРБОНОВ,
Фотима БЕКБОЕВА,

Диққат! Диққат! Диққат!

МУҲТАРАМ УСТОЗЛАР

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1997 йил 29 августда бўлиб ўтган IX сессиясида Президентимиз Ислом Каримовнинг ташаббуси ва бевосита раҳбарлигида ишлаб чиқилган «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» қабул қилинди.

Ўтган икки йилга яқин вақт давомида қонунларда, ҳукумат қарорларида белгиланган вазифаларни ҳаётга тадбиқ этиш борасида салмоқли ишлар амалга оширилди. Жумладан, таълим ва кадрлар тайёрлаш янги тизимининг ҳуқуқий асослари яратилди. Таълим турлари тўғрисидаги Низомлар, умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандартлари, ўқув предметлари бўйича замонавий талабларга жавоб берувчи дастурлар ва бошқа қатор меъёрий ҳужжатлар синовдан ўтказилиб, амалда қўллаш учун тавсия этилди.

Шу кунларда таълим бошқаруви органлари, ўқув муассасалари раҳбарлари ва ўқитувчиларнинг эътибори таълим мазмунини такомиллаштиришга, ривожланган, демократик мамлакатлар янги илғор педагогик технологияларини жорий этишга қаратилмоқда.

Бу борада эришилган муваффақиятлар ҳам талайгина. Аммо камчиликлар, муаммолар, ҳал этилиши лозим бўлган масалалар ҳам борки, уларнинг ечимини топиш ютуқларимизнинг кўпайишига ва самарасига хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»ни рўёбга чиқаришнинг мониторинги асосида ўз режаларига ислоҳотларнинг бош мақсадидан келиб чиққан ҳолда тегишли ўзгартиришларни киритиб бормоқда. Жумладан, вазирлик 1999 йил сентябрь ойининг иккинчи ярмида бўладиган ўзининг Ҳайъат мажлисида бу борада кейинги икки йил давомида амалга оширилган ишларни сарҳисоб қилиб, фаолиятини жадаллаштириш чора-тадбирларини белгилашни мақсад қилиб олган.

Ушбу масаланинг жиддийлиги ҳамда галдаги вазифаларни белгилаб олишдаги аҳамиятини ҳисобга олиб, Сиз азиз устозларимизнинг, бевосита ижрочилар — ўқитувчиларимизнинг таълим тизимини ислоҳ қилиш билан боғлиқ маслаҳатларингиз, таклифларингиз ва фикр-мулоҳазаларингизни билиш фойдадан холи бўлмайди.

Таклифларингизни, мавжуд муаммоларнинг ечими билан боғлиқ фикр-мулоҳазаларингизни жорий йилнинг 20 августигача қуйидаги манзилгоҳга юборишингизни сўраймиз:

700078, Тошкент, Мустақиллик майдони, 5.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Давлат таълим стандартлари мониторинги бошқармаси.

Телефонлар: 139-19-34, 144-22-25, 139-14-01.

Yangicha ish usuli

ТАШХИС МАРКАЗЛАРИ: ВАЗИФАЛАР, МУАММОЛАР, ЕЧИМЛАР

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 13 майдаги «Ўзбекистон Республикасида умумий ўрта таълимни ташкил этиш тўғрисида»ги 203-сонли қарори асосида барча туман, шаҳар халқ таълими бўлимлари тузилмаларида ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш ва психологик-педагогик Ташхис марказлари ташкил этилиб, фаолият кўрсатмоқдалар.

Мазкур марказларда турли мутахассислар, жумладан, касбга йўналтирувчи, психолог, дефектолог ҳамда врачлар 6 ёшли болаларни тиббий, психологик ташхис этиш, уларни соғломлаштириш, ўқувчиларни мунтазам равишда тиббий кўрикдан ўтказиш масалалари билан шуғулланиб келмоқдалар.

Бу таълим йўналиш тизимида янгилик бўлганлиги боис, қатор муаммолар, шунингдек, ота-оналар, жамоатчилик ходимларининг тушунишлари қийин бўлаётган саволлар туғилмоқда. Шу мазмундаги бир қатор саволларга жавоб бериш ва аниқлик киритиш мақсадида туман, шаҳар Ташхис марказларининг А.Авлоний номли халқ таълими ходимларининг малакасини ошириш институтида қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курсидан ўтаётган ходимларининг, Халқ таълими ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлигининг мутахасислари билан учрашуви бўлиб ўтди. Унда ХТВ касбгача тайёрлов, таълимни компьютерлаштириш ва маркетинг бошқармаси бошлиғи С. Алиев, ижтимоий масалалар бошқармаси бошлиғи У. Камол, Республика Ташхис маркази директори Б.Қодиров, марказ директори ўринбосари Ш.Асқаров, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг бошқарма бошлиғи ўринбосари С.Тилавов ва бошқалар тингловчилар томонидан берилган қуйидаги саволларга жавоб беришди:

Савол: Ташхис марказларида ишлаётган дефектологларга 8-разряд иш ҳақи ставкаси белгиланган. Бу жуда кам албатта. Уларнинг ойлик маош ставкаларини кўтариш назарда тутилганми?

Жавоб: Ташхис марказларида ишлаётган мутахассислларнинг ойлик маош ставкаларини белгилашда Вазирлар Маҳкамасининг 203-сонли қарори асос бўлади. Мазкур қарорда ташхис марказларининг штатлари тегишли халқ таълими бўлими метод кабинетларининг штатларидан олиниши таъкидланган. Шу билан бир қаторда Халқ таълими вазирлиги Меҳнат вазирлиги билан келишилган ҳолда ташхис марказлари ходимларининг ойлик маошлар халқ таълими бўлими бош мутахассисларининг ойлик маошига тенглаштиришга ва ташхис маркази раҳбарларига эса улардан бир разряд ортиқ иш ҳақи белгилашга рухсат берувчи 1998 йил 30 октябрдаги 01-707 рақамли хати барча вилоятлар халқ таълими бошқармаларига юборилган ва бу ҳужжат уларга иш ҳақи тўлаш учун асос бўлади.

Бизга маълум бўлган маълумотларга қараганда, жойларда ташхис маркази дефектологларига 9-10 разрядли ойлик маош ставкаси белгилашга эришилган. Шунинг учун қўшимча равишда таъкидлаймизки, туман, шаҳар ташхис марказлари ходимларининг ойлик маош ставкаларини кўтаришга оид барча саволлар билан туман, шаҳар халқ таълими бўлимларига мурожаат этиш лозим, улар мазкур масалаларни маҳаллий ҳокимликларнинг молия бошқармалари билан ҳамкорликда ҳал этадилар.

Савол: Ташхис марказларида уларнинг иш мазмунини белгиловчи психологик ташхис методикалари етарли даражада эмас. Методикаларни қаердан ва қандай олиш мумкин?

Жавоб: Республика Ташхис маркази томонидан ташхис марказлари ишларининг мазмунини такомиллаштириш ва уларни аниқ мақсадга йўналтирувчи бир қатор методикалар ишлаб чиқилган. «Синф зукколарини танлаш», «Қизиқишлар харитаси», «Мактабгача етуклик даражасини аниқлаш» методикалари шулар жумласидандир. Улардан айримлари туман, шаҳар ташхис марказларига етиб борган. Мазкур методикалар Республика Ташхис марказида бор. Уларни пул ўтказиш йўли билан олиш мумкин.

А.Авлоний номидаги ХТХМОМИ ва Республика Таълим маркази томонидан аввал ишлаб чиқилган психологик ташхис методикаларидан фойдаланиш мумкин. Биринчи навбатда, РТМда Илмий - методик кенгаш томонидан тасдиқланган психологик ташхис методикаларидан фойдаланиш зарур. Бундан ташқари, қўшимча ташхис методикалари сифатида турли махсус адабиётларда мавжуд бўлган методикалардан ҳам фойдаланиш мумкин.

Савол: Қачон бола 6 ёшли ҳисобланади ва у ташхис марказидан ўтади?

Жавоб: Дарҳақиқат, бола қачон 6 ёшли ҳисобланиб, қандай ҳолда ташхисдан ўтиши ҳақидаги саволлар ота-оналарни қизиқтириши табийдир. 6 ёшли болаларни ташхис этиш масалаларига оид кўплаб саволлар тушмоқда. Ушбу саволларга аниқ ва тўлиқ жавоб бериш мақсадида тегишли низомлар ва меъёрий ҳужжатларга қўшимча равишда вазирлик томонидан 1999 йил 30 сентябргача етти ёшга тўлмаган 6 ёшли (1992 йил 1 октябрдан – 1993 йил 30 сентябргача туғилган) болалар махсус тиббий-психологик-педагогик-дефектологик кўрик комиссиясидан ўтиши ҳақида 1999 йил 22 июнда 14/2-40 рақамли хат чиқарилди ва ушбу хат барча вилоятлар халқ таълими бошқармаларига етказилди. Туман, шаҳар ташхис марказлари мазкур хат асосида ўз ишларини ташкил этишлари лозим.

Савол: Мутахассислиги ташхис марказларида мавжуд мутахассисликка мос бўлмаган ходим марказда ишлаши мумкинми?

Жавоб: Вазирлик ҳозирги вақтда ташхис марказларида мутахассислиги мос келмайдиган ходимлар ҳам вақтинчалик ишлаётганликларидан хабардор. Уларни қайта тайёрлаш, малакасини ошириш, ҳозирги кунда долзарб масаладир. Туман, шаҳар ташхис марказларида ишга қабул қилинган врачлар 6 ёшли болаларни тиббий ташхис этиш йўналишида А.Авлоний номли халқ таълими ходимлари малакасини ошириш Марказий институтида ва Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Педиатрия илмий тадқиқот институтида махсус малака ошириш курсидан ўтказилдилар. Шунингдек, касбга йўналтирувчи мутахассислар ҳамда психологлар ҳам 5 та ҳудудда ташкил этилган малака ошириш курсларида ўқидилар.

Вазирлик томонидан етишмаётган мутахассис кадрларни тайёрлаш ишларига эътибор берилмоқда. Тегишли олий ўқув юртлари томонидан мутахассис бўлган кадрлар етарли даражада тайёрланганидан сўнг, улар, вақтинчалик ишлаётган мутахассислиги мос келмайдиган ходимлар ўрнини эгаллашлари шубҳасиздир.

Савол: Мактабларда психологик хизматни ташкил этишнинг асоси мавжудми? Кўп жойларда бу лавозимда психолог бўлмаган шахслар ишламоқда.

Жавоб: Вазирликнинг 1996 йил 5 апрелдаги тасдиқланган «Психологлар тўғрисида»ги Низоми асосида мактабларда психологик хизмат ташкил этилган. Мазкур ҳужжат асосида барча умумий таълим мактабларига психолог штати киритилган. Бугунги кунда мактабнинг психолог хизматига эҳтиёж кучайиб бормоқда. Шу боис, барча умумий таълим мактабларини психолог мутахассислар билан тўлиқ таъминлашга амалий жиҳатдан имконият мавжуд эмас. Шунинг учун ҳам ҳозирги кунда умумий таълим мактабларида психологлар билан бир қаторда мутахассислиги психолог бўлмаган ходимлар ҳам ишлаб келмоқда. Улар ҳам, ўз навбатида, 5 та ҳудудда ташкил этилган малака ошириш ва қайта тайёрлаш курсларидан ўтдилар.

Вазирликнинг юқорида номи зикр этилган буйруғи барча вилоятлар халқ таълими бошқарма ва туман бўлимларида мавжуд.

Савол: Ташхис марказларининг раҳбари ким бўлиши керак?

Жавоб: Ташхис марказининг раҳбари вазифасига марказ мутахассисларидан бири тайинланади ва у ўз йўналиши бўйича Низомда белгиланган вазифаларни амалга оширади.

Ташхис марказлари фаолиятини марказ раҳбари ташкил этади ва ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш ва психолог-педагогик ташхис марказлари ҳақидаги Низомнинг 4-бўлим 4.2-бандининг 2-хат бошиси ҳамда 5 -бўлим 5.1-бандига мувофиқ ташхис марказининг раҳбари туман, шаҳар халқ таълими бўлими мудирига бевосита бўйсунади.

Uchrashuv

БИР МАКТАБДАН 3 НАФАР ФАН ДОКТОРИ

Ўзбекистон халқ таълими аълочиси, тажрибали ташкилотчи Собир Реимов директорлик қилаётган Қўнғирот туманидаги 2-ўрта мактабни Қорақалпоғистон Республикасидаги энг намунали илм даргоҳларидан бири десак, муболаға бўлмайди. Биргина мисол: унинг собиқ ўқувчилари орасидан йирик фан заҳматкашлари ҳам етишиб чиққанлиги алоҳида эътиборга лойиқдир. Тиббиёт фанлари доктори Мэлс Қабулов, биология фанлари доктори Мақсет Ибрагимов, математика фанлари доктори Ниетбой Ўтеўлиевлар Қорақалпоғистон республикаси пойтахти – Нукус шаҳрида яшаб, илм-фан равнақи учун муносиб ҳисса қўшиб келмоқдалар.

Яқинда ана шу инсонлар билан ўғил-қизлар учрашуви ўтказилди. Улар ўқувчиларга ҳаётда асқотадиган муҳим фазилатлар ҳақида гапиришиб, илмни чуқур эгаллашга даъват қилдилар.

Ғойиб ЁҚУБОВ,
ўз мухбиримиз

Maktabgacha ta'lim

МИЛЛИЙ БОҒЧАНИНГ МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРИ

Республикамиздаги мактабгача таълим муассасаларида «Таълим тўғрисида»ги Қонун ҳамда «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»ни ҳаётга татбиқ этиш борасида талайгина ютуқлар қўлга киритилаётир. Шу муносабат билан мухбиримиз пойтахтнинг Чилонзор туманидаги экологияга йўналтирилган 534-миллий болалар боғчаси услубчиси Ризада Бўлатовадан кичкинтойлар масканидаги таълим-тарбия жараёни, илғор тажрибалар ва якшанбалик мактаблари фаолияти ҳақида сўзлаб беришни илтимос қилди.

— Болалар маскани 340 ўринли миллий боғча бўлиб, унда 380 нафар жажжи ўғил-қиз 13 та гуруҳда (биттаси русий забон) тарбияланаётир. Иккитаси оилавий аралаш гуруҳ — бирида 27 нафар, иккинчисида, яъни менинг гуруҳимда учдан етти ёшгача бўлган 43 нафар ширинтой камол топаётир.

Бир оиладан иккита, бир авлоддан 4 та, яъни ака-укаларнинг болалари гуруҳда бирга бўлса, уларни тарбиялаш бирмунча осон бўларкан. Масалан, уч яшар Ҳилола етти ёшли Диёра билан ёнма-ён ўтириб тарбияланмоқда. Оилавий гуруҳ кичкинтойлари ўзларини эркин тутадилар. Бир-бирларини ҳурмат қиладилар, ҳеч бир нарсани талашмайдилар. Катталари укаларини кийинтиришда ёрдамлашади. Кичик болалар мустақил ҳаракат қила бошлаб, тезроқ ривожланадилар.

Тарбиячи артист, рассом, ижодкор педагог сингари кўп қиррали бўлиши керак. Машғулот ўтганимда, масалан, рангларни уч тилда — миллий, рус ва инглиз тилларида параллел тарзда ўзим ўргатаётирман. Уч яшар ширинтой фаол иштирок этмаса-да, катталарнинг гапини тинглаб, қулоғи пишиб боради. 3—4 яшар жажжиларни мажбурлаб гапиртирмайман. Бир ҳафта-ўн кун ўтгандан кейин эшитганларини ўзлари аста-секин сўзлаб беришади. Асосийси, гуруҳда бола қўрқмайди, ўзини эркин ҳис қилади. Чунки олдида акалари, опалари бор.

Дастлаб «опа», «ака» демайдиган нозик қалблар бир оз вақт ўтгач, «опажон», «акажон» дея «сиз»лаб, муносабатда бўлишади. Сайрларга чиққанда, катталари укаларини кийинтиради, ўқув қуролларини сақлаш, дафтарларни йиртмасликни ўргатадилар.

Болажонлар уч ёшида ҳарф танийдилар, 4—5 ёшда ўқий бошлайдилар, 6 ёшда эса мактабга чиқадилар. Миллий гуруҳда русий забон болалар ҳам тарбияланаётир. Улар онгига илк ёшданоқ миллий ғоя, миллий қадриятлар, урф-одатлар сингдириляпти. Масалан, Фарангиз, Сергей, Аня сингари рус миллатига мансуб ўғил-қизлар, оилада ёлғиз фарзанд бўлганликлари сабабли инжиқ, эрка эдилар. Инжиқ болалар билан кўпроқ шуғулланаман. Уларни жамоага кўниктириш керак. Ўйин, шеър, мусиқа, китоб ўқиб бериш йўли билан таъсир этаман.Боғчага келишни хоҳламайдиган болани ўзининг интилишига қараб гуруҳга – боғчага қизиқтираман. Бундай болаларнинг руҳияти – феъл-атворига қараб муносабатда бўлганлигим боис, гуруҳдаги болалар қатори миллий урф-одатлар, қадриятларни тезда ўзлаштириб олдилар.

"Эрка" тарбияланувчилардан Шерзод Ризаев (ҳозирда 84-мактабнинг 5-синф ўқувчиси) боғчада ҳеч нарсага қизиқмас, тез-тез касалга чалиниб турар эди. Шерзоддаги катта ашулага бўлган истеъдодни сезган тарбиячи мусиқа раҳбари билан ҳамкорликда ашула айтиш ва саҳнага чиқишнинг ўзига хос сирларини ўргатди. Шерзод ҳозир «Томоша» гуруҳининг яккахон солистидир. Абдулла Ниғмонов ва Азиз Баҳодировлар ҳам «ичимдагини топ» характеридаги болалар эди. Улар ҳам ҳозир «Булбулча»да иштирок этмоқдалар. Уларнинг ҳаммаси инглиз тилида шеър, ашула, эртакларни бемалол айта оладилар.

Кичкинтойлар гулшанида инглиз тили ҳафтада икки марта тўгарак сифатида ўргатилади. Болалар тўгарақдаги фаолият билан чегараланиб қолмай, балки тарбиячи билан бирга ўрганганларини кун давомида ҳам такрорлайдилар (тарбиячига ҳам инглиз тилидаги транскрипцияси ёзиб берилади).

Нуридийдалар масканида иккита экология, иккита инглиз тили, сеҳрли игнача (тикиш), тасвирий фаолият, қўғирчоқ театри, миллий ўйин сингари тўгараклар мунтазам фаолият кўрсатаётир. Экология тўгарагини "БИОЭКОСАН" ўқув услубий мажмуаси ходимлари бошқармоқдалар. Боғчамиз яқинда ўтказилган бутун дунё атроф-муҳитни муҳофаза қилиш кунига бағишланган республика анжуманида фаол иштирок этиб, яхши натижаларга эришгани учун Республика «БИОЭКОСАН» ўқув-услубий мажмуаси ва Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси томонидан Фахрий ёрлиқ билан мукофотланди. Анжуманда 12 нафар тарбияланувчилар ташландиқ материаллардан ясалган турли хил ўйинчоқлар билан қатнашди.

Масканимизда халқ амалий санъатига оид мини музей, ота-оналар ва ходимларимиз маънавий озиқ олишлари учун 300 дан ортиқ китобга эга бўлган нурхона-кутубхона бор.

Шунингдек, болалар боғчасида якшанбалик мактаблари ҳам фаолият кўрсатмоқда. Бу йил ширинтойлар сентябрдан май ойигача бўлган давр мобайнида мактабга ҳозирланди. Жорий йилда 15 нафар кичкинтой билан шанба ва якшанба кунлари 3 соатдан шуғулландим. Улар лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбоси, тасвирий фаолият, математика, инглиз тили, ақлий ривожлантирувчи ўйинларни ўргандилар.

Якшанбалик мактаб шартнома асосида ташкил этилган бўлиб, кам таъминланган оилаларнинг 4 нафар ўғил-қизлари бепул мактабга тайёрланди. Улар 34-, 84-, 90 - мактабларда таълим оладилар.

Биз тарбиялаётган нозик қалблар ўз халқига, Ватанига, ота-онасига содиқ, комил инсон бўлиб вояга етадилар, деган умиддамиз.

Суҳбатдош: Дилбар ХЎЖАЕВА

МАТЕМАТИКЛАР УСТОЗИ

Xotira

Мардон Собиров ўзининг 55 йилдан ортиқ педагогик фаолиятида мамлакатимиз, қардош Тожикистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркманистон ва бошқа давлатлар учун жуда кўп математиклар тайёрлашда иштирок этган. Мамлакатимизнинг машҳур олимлари академиклар С.Сирожиддинов, М. Салоҳиддинов ва бошқалар ҳам устознинг ажойиб маърузаларидан баҳраманд бўлишган.

М. Собиров математиканинг ўзи севган бўлими – геометрияга ҳам ёшларни қизиқтира билди. Ҳозирги пайтда математика соҳасини ривожлантиришда ўзларининг меҳнатларини аямасдан сарфлаётган устозларимиздан физика-математика фанлари доктори, профессор А. Ортиқбоев, физика-математика фанлари номзодлари А. Абдураҳмонов, F. Ғойибов, Қ. Ғойибова ва С. Ваҳобовлар у кишининг шогирдларидир. Профессор Мардон Собировнинг ижодий фаолияти ҳам самаралидир. У университетлар ва педагогика институтлари учун ўзбек тилида дарсликлар ва ўқув қўлланмалари яратишга ҳисса қўшди. Устоз А. Юсупов билан ҳамкорликда «Дифференциал геометрия курси»ни яратди.

Мардон Собиров 1951 йилда Б. Кутузовнинг «Лобачевский геометрияси ва геометрия асослари элементлари» номли қўлланмасини, 1962 йилда Л.Атанасяннинг «Геометрия асослари» номли қўлланмасини, 1964 йилда С.Виноградовнинг «Олий математика қисқа курси» қўлланмасини ҳамда 1983 йилда А. Погореловнинг «Аналитик геометрия» дарслигини ўзбек тилига таржима қилган.

Ўрта мактаблар учун яратилган математика дарсликлари ва ўқув қўлланмалари ҳам устознинг эътиборидан четда қолмади. Рус тилида ёзилган геометрия дарсликларининг деярли ҳаммасини М. Собиров ўзбек тилига ўгирган. Ўрта мактаблар учун ёзилган ўзбекча дарсликлар ва ўқув қўлланмалари ҳам устоз муҳаррирлигида нашр этилган.

Маълумки, математика атамашунослиги билан Қори Ниёзийдан сўнг ҳеч ким шуғулланмаган эди. Таниқли олимнинг бу ишларини биринчи бўлиб М.Собиров давом эттирди. Устознинг бу соҳадаги биринчи иши 1952 йилда «Русча-ўзбекча терминологик луғат» номи билан «Ўқувпеддавнашр» нашриётида босмадан чиқди.

М. Собиров ўзбек қомусшунослигидаги геометрияга оид 120 тага яқин мақолалар муаллифидир.

Олим бир неча хорижий тилларни биларди, бу эса унинг Марказий Осиё математикаси тарихи билан шуғулланишида катта имкониятлар яратди. Шу соҳани ўрганган ўндан ортиқ фан номзодларига ўзининг беминнат маслаҳатлари билан ёрдам бериб келди.

Устознинг меҳнатлари давлат томонидан муносиб тақдирланган. Мардон Собиров кўплаб Фахрий ёрлиқлар, медаллар ва орденлар соҳибидир. 1980 йили «профессор» унвони берилган. Таниқли олим ва севимли устозимиз Мардон ака бугун орамизда йўқ.

Мардон Собиров – энг аввало, олим, моҳир ва жонкуяр педагог, ўз шогирдларининг дўсти, талабаларга ҳамиша ғамхўр ва меҳрибон, айни вақтда талабчан устоз эдилар. Унинг бу хислатлари ёшларнинг математика фанига бўлган қизиқишини оширишда, етук мутахассис кадрлар тайёрлашда катта аҳамият касб этганди.

А.ОРТИҚБОЕВ,
ТошДУ механика-математика факультети геометрия ва математика тарихи кафедраси мудири,
Н.НОРМУРОДОВ,
катта ўқитувчи

Сув томчиси - гавҳар донаси.
Халқ мақоли

КУМУШБИБИ СУВ БЎЙИДА

«... Кумушбиби ариқ бўйидан бир ўринни кўзлади-да, сакраб нариги юзига ўтди ва чўнқайди. Унинг кўзлари мулойимғина сув устига оғдилар. Ариқнинг мусаффо тиниқ суви ёвошғина оқиб келар, Кумушбибининг қаршисиға етканда гўёки унинг таъзими учун секингина бир чарх уриб қўяр, ўз устида ўлтурган соҳиранинг сеҳрига мусаххар бўлган каби тағи бир каттароқ доирада айлангач, оҳистағина кўприк остиға оқиб кетар эди. Ариқ сувининг ниҳоятсиз бу ҳаракатини узоқ кўздан кечириб ўлтурғач, қўл узатиб сувдан олди ва юзини ювди. Унинг юзини ўпиб тушкан сув томчилари билан ариқ ҳаракатка келиб чайқалди, гўёки сув ичида бир фитна юз берган эди... иккинчи, учунчи қайталаб юз ювишда бу фитна тағи ҳам кучайди... Садаф каби оқ тишларини бир-икки қайталаб чайди...» («Ўткан кунлар»).

Улуғ адибимиз Абдулла Қодирий асар қаҳрамони Кумуш характерини, унинг гўзаллигини ифодалашда сув манзараси таъсиридан фойдаланади. Чунки сув поклик тимсоли, поклик эса, гўзаллик, муҳаббат ўзагидир. Отабекнинг Кумушни сув бўйида учратиши ҳам бежиз эмас!..

Одамлар қадимдан сувни эъзозлаб келганлар, унга атаб қўшиқлар, эртагу ривоятлар, мақолу маталлар тўқиганлар. Сувга ҳурматсизлик билан қараган кишилар ношукур, гуноҳкор банда ҳисобланган. Зеро, бунда «Сувга тупурган - коски, қудуққа тупурган - кофир» мақоли ўринлидир. Сув - тириклик манбаи, инсоният бойлиги. Душман таслим бўлмаган шаҳар- қўрғонларнинг жасур аҳолисини у ерга борадиган каналу ариқларни беркитиб, таслим этган. Чунки сувсиз ҳаёт йўқ. Бу — табиат қонуни.

Шуни ҳам ҳисобга олиш жоизки, у пайтларда, ота-онамнинг айтишларича, ҳатто асримизнинг 50 - 60-йилларида ҳам шаҳримиз ҳовлилари ичидан оқиб ўтган ариқлар суви ниҳоятда тоза бўлган.

Энди Қодирий қаҳрамонларига қайтсак-да (аввало, бу хунук ўхшатишим учун узр, қанчалик қўпол бўлса-да, ҳозирги мавжуд аҳволни тушунтириш мақсадида мен шунга журъат этдим), Кумушбибини бизнинг замонамизга олиб ўтсак.

«... Кумушбиби ариқ бўйидан бир ўринни кўзлади-да, сакради... (бунда манзара ўзгача: ўтлоқ ер ўрнида ариқдан чиқариб ташланган ахлатлар уюми) ва оёғи усти шилимшиқ ўсимликлар билан қопланган пачоқ елим идишга тушди-да, сирпаниб йиқилай деганда, ариқ бўйидаги дарахт шохини ушлаб қолди. Ҳайратланиб оёқ тагига қаради (манзара жойига қайтди). Кумушбиби буларнинг ҳаммаси кечаси иситмам кўтарилганидан, деб ўйлади-да, чўккалади. Унинг кўзлари сув устига оғди ва... даҳшатли бир манзаранинг гувоҳи бўлди: гўдак кўнглидек покиза сув ўрнига қопқора, ҳиди ҳар қандай одамнинг кўнглини оздирадиган бир суюқлик ўзи билан ҳар хил чиқиндиларни оқизиб келарди. Кумушбиби кўзини қаттиқ юмиб, очди ва сокин оқаётган мусаффо сувни кўриб қувониб кетди. У қўлига сув олиб юзига тутди(сув қорая бошлаган эди)...»

Ана сизга «романтика»! Ҳозирги кунда Қодирий тасвирлаган манзарани сиз ҳам ўз асаринги тасвирлашга уриниб кўринг-чи! Агар яхши манзара чизсангиз ҳам ишонмайман, сизни ғирт ёлғончига чиқараман. Чунки ҳозир бундай сувни ҳеч бир жойда учратмайсиз. Ариқлардаги сувни-ку, қўйинг, уйимизга қувурлардан келиб турган сувни ҳам қайнатмасдан ичиб бўлмайди! Бундан фойдаланган тижоратчилар бизга сувни қайта (!) тозалайдиган аппаратларни пуллояптилар. Бу ҳам етмагандек, Оролимиз қуриётганига нима дейсиз? Собиқ шўролар мамлакати бўйича кенг ва серсувлиги бўйича иккинчи, дунё бўйича олтинчи ўринни эгаллаган бу денгиз. Ҳозир-чи? Ҳозир неча-неча асрлардан буён аҳолини катта-катта балиқларию бошқа неъматлари билан тўйдириб, хазинамизни бойитиб, иқлимимизни мўътадиллаштириб турган Оролни денгиз дейишга тилинг айланмайди. Чунки у каттакон кўлмакка айланиб қолган. Айтгандек, табиатимизда ўзгариш сезмадингизми? Буларнинг ҳаммасига ким айбдор, дейсиз? Мен қўлимни бигиз қилиб сизларни кўрсатаман. Тўғри-да, собиқ шўролар даврида мислсиз пахтазорларга ҳаддан зиёд сув юборган, «Мирзачўлни ўзлаштирамиз, гулистонга айлантирамиз», дея бонг уриб, Оролимизни қуритган, чўлимиз, умуман юртимиз табиати мувозанатини бузган, ҳайвону паррандалар наслини, тоғларда гиёҳу дарахтлар навларини йўқотган сиз эмасми? Сиз: «Ҳа, кеча ўша шўро ҳукуматининг буюрганини қилардик-да», дерсиз. Хўп, майли, шундай бўлиши мумкин (мустамлакачиларга қарши туриш қанчага тушишини биз тарихдан ўқиб биламиз). Бугунги кунда-чи? Ҳурматли бир олимнинг айтишларига қараганда, Тошкентнинг Бўзсув каналига турли ошхоналардан, хонадонлардан, ҳожатхоналардан(!) ахлатлар тушаётган, молхоналардан шалтоқ оқизилаётган экан! Шунга ўхшаш ҳодисалар Ўзбекистонимизнинг турли бурчакларида кузатилади. (Зарафшон, Сирдарё, Амударё бўйлаб саёҳатга чиқиб кўринг, агар ҳаракат воситангиз у ер-бу ерда тиқилиб қолмаса!..)

Эҳ-ҳе, сўзларимни давом эттиравер-сам, шикоятларим кўплигидан эснаб, ухлаб қоласиз. Сен ҳам бизнинг биттамизсан, биздан сенга шу мерос ёки сенинг тенгдошларинг шаҳар ичидаги ариқ бўйларини балчиқ қилиб машина ювиб пул топмаяптими, дея хотиржам бўласиз...

Келинг, яхшиси, дўппини ерга қўйиб ўйлаб кўрайлик — биз қаерга қараб кетаяпмиз? Қачон ҳушёр тортиб, ақлимиз киради?..

Жамшид САЪДИНОВ,
Алишер Навоий номидаги Нафис санъат лицейининг битирувчиси

Ko'ngil bitiklari

ВАТАН НАДИР...

Ошён надир, деб сўрадим онамдан,
Сен дунёга келган ушбу ер деди.
Ватан надир, деб сўрадим отамдан,
Шу замин ва тўкилган қон, тер деди.

Бобо айтинг, азиз маскан не дедим,
Фаришгали бола бор эшик деди.
Киндик қонинг тўкилган шу тупроқ,
Ва беланган муқаддас бешик деди.

Савол этдим онамга — зўрлик на деб,
Жавоб берди — поймол бўлган эрк, иқбол.
Боз сўрадим отамдан — ҳурлик на деб.
Озод ҳаёт деди, бермиш Истиқлол.

Баҳриддин НАСРИДДИНОВ

ХОТИРА

Миллион йилки, кўзларимга,
Ёш пардаси тўсилган.
Отажоним сафар қилди,
Юрак баҳрим эзилган.

Ҳаёт борки, сафарлар бор,
Буни ҳамма билади.
Лекин бевақт бу айрилиқ,
Юрак баҳрим тилади.

Нигоҳимиз йўлда доим,
Бир оқ тулпор келмайди.
Отажоним фарзандларин
Кутганини билмайди.

Не қилайки, иложим йўқ,
Бандадирман, кўнаман.

Отажоним сизни доим,
Тушларимда кўраман.

Ой қизим, деб эркалаб,
Суярдингиз отажон
Кўзингда нам кўрмай деб,
Юрардингиз отажон.

Кўзимда энди намлар,
Қуримайди ҳеч маҳал.
Қизингизнинг қалбида,
Турибди сизга ҳайкал!

Ҳилола ҲАКИМОВА,
Асака туманидаги
29-ўрта мактаб
ўқитувчиси

ОЛТИН ЁЗ — ЎТСИН СОЗ

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги касаба уюшмаси тасарруфидаги «Лочин» номли болалар соғломлаштириш оромгоҳида 370 нафар ўқувчи дам олмоқда. Пойтахтнинг А.Икромов туманида жойлашган бу дам олиш масканида қувноқ спорт мусобақалари, табиат қўйнига саёҳатлар кунларнинг мароқли ўтишини таъминлаётир.

Айниқса, малакали ва ижодкор етакчиларнинг ҳар бир дам олувчи қизиқишлари билан ҳисоблашиб, уларга имкон қадар етарли шарт-шароитлар яратиб бераётганликлари қувончлидир.

Иззат ЭШБОЕВ

Суратларда:

1. Тарбиячи Дилором Толипова қизалоқлар билан табиат қўйнида.
2. «Пахтакор» отряди болалари шахмат-шашка бўйича биринчиликда иштирок этмоқда.

Р.АЛЬБЕКОВ олган суратлар.

Xullas...

РЕЛЬСЛИ АВТОБУСЛАР

Европа давлатларида рельсли автобуслар янгилик эмас. Транспортнинг бу тури Россияда ҳам кенг тарқала бошлади. Поезд қатнови йўлга қўйилмаган масофаларга ўзиюрар автобус жуда қўл келмоқда. Қолаверса, поезднинг нархи қимматроқ белгиланган. Электричка эса камида 4 та вагондан иборат бўлиши керак. Вагонлар тўлмаганда юриш, машинистга ортиқча чиқим.

Рельсли автобусларнинг ҳамма учун қулай нусхасини яратиш учун 1997 йилнинг январида танлов эълон қилинган эди. Унда 14 та фирманинг ихтиролари қараб чиқилди. Мытишинск машинасозлик заводи ишчилари тавсия этган автобус маъқул деб топилди.

Рельсли автобус икки-уч вагондан иборат бўлиб, кўриниши метро поездини эслатади. У соатига 100 км масофа босади.

Ажаб эмаски, янги асрда бу хил автобуслар юртимизга ҳам кириб келса...

ҚИЗИҚИШЛАР ҲАР ХИЛ

60-йилларда Германияда эркак ва аёллар бир хил китоб, газета-журнал ўқишар эди.

Бугунги кунда эса уларнинг қизиқишлари тамоман фарқли. Эркакларда саргузашт-детектив асарларга мойиллик кучли. Аёлларга эса «куйдим-ёндим» руҳидаги китоблар ёқиб тушмоқда. Фақат катталар эмас, балки ўсмирларнинг ҳам «ўз» китоблари бор. Улар орасида қаҳрамонлар тақдирига қайғуриш кайфияти кўпроқ кузатилади.

Бертельсманн жамғармаси ходимлари аниқлаган бу тадқиқот «Гутен таг» журнали саҳифаларида эълон қилинган.

СЎНГГИ ЯНГИЛИК

БМТ маълумотларига қараганда, ҳар йили самолётда учувчи йўловчилар беш фоизга ўсмоқда. Бундай ҳолат янги асрда ҳам кузатилса керак. Олимларнинг эътироф этишича, бу дунё миқёсидаги муаммолардан бири. Она сайёрамизнинг табиий иқлимга нисбатан 3,5 фоиз кўп исиб кетиши самолётлар сонининг ошиб бориши билан боғлиқ.

Яна шу нарса маълумки, 1992 йилда жаҳон граждан авиацияси 130 млн. тонна ёқилғи сарфлаган бўлса, 2015 йилга бориб бу кўрсаткич 300 млн. тоннага етади. 2050 йилда эса 450 млн. тоннага етиш хавфи бор.

У ҳолда... инсониятнинг тақдири нима кечади?

ana shunaqa gaplar...

Sport

РУСТАМГА ОМАД ТИЛАНГ!

Шахматчилар ФИДЕ таснифи бўйича навбатдаги жаҳон чемпионатини 29 июлда АҚШнинг Лас-Вегас шаҳрида бошлашади. 1 ой давом этадиган оқиллар баҳсида иштирок этувчи сайёрамизнинг 100 нафар энг кучли шатранж усталари сафида юртдошимиз Рустам Қосимжонов ҳам бор.

ДАСТЛАБКИ ҒАЛАБА

Футбол бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси мавсумдаги илк учрашувини зафар билан бошлашди. Чарм тўп усталаримиз Самарқанд шаҳрида Малайзия терма жамоасига қарши ўтказилган ўртоқлик учрашувини 3:0 ҳисобида ўз фойдаларига ҳал қилишди.

ҚЎШ ҒАЛАБА

Мерганимиз Дилшод Мухторов АҚШнинг Атланта шаҳрида ўтказилган жаҳон кубогида муваффақиятли қатнашганди. Бу муваффақият унга «Сидней – 2000» олимпиада ўйинларига йўлланмани ҳадя этди.

ФОЙДАЛИ ЖАНЖАЛ

FIFA 2002 йилда Корея ва Японияда ўтказиладиган футбол бўйича жаҳон чемпионати финал ўйинларига Осиё учун 2 ўрин ажратганди. Бу ноҳақликдан норози бўлиб тўполон кўтарган ОФК яна ярим ўринни қўлга киритди, яъни қитъанинг саралашларида 3-ўринни олган жамоаси европаликлар билан ўзаро куч синашади.

ЧЕМПИОНЛИК МУБОРАК

Мўғулистонда ўтган 100 катакли шашка бўйича Осиё чемпионати тошкентлик гроссмейстер Николай Мишчанскийга тенглашадиган рақибни тополмади. 11 учрашувдан 10 очко тўплаган спортчимиз Осиё чемпиони бўлиб қайтди.

maydonchasi

ҚАЛБИМИЗДАН ЖОЙ ОЛДИНГИЗ

Dil izhori

Устоз жўшқин ва қудратли дарё бўлиб, унинг ирмоқлари сон-саноқсиз шогирдлардир.

Мен устоздек мўътабар зотни ота-онага ҳам қиёслагим келади. Ота-она фарзандга қанчалик меҳрибон ва яқин бўлса, устоз ҳам юракнинг тўридан жой олғувчи зотдир. Тошкент темир йўллар муҳандислари институтининг «Транспортда иқтисод ва менеджмент» кафедраси ўқитувчиси Шарофат Қодировани устоз сифатида тилга олиб ўтишни жоиз деб билдим.

Ўз педагогик фаолиятини 1995 йилда шу даргоҳда бошлаган Шарофат опанинг дарслари мароқли. Бундан ташқари, опа ҳар бир талаба билан дилдан суҳбатлашади, уларнинг ғам-ташвишларига ўзини шерик деб билади.

Бошқа дарслардан қайфиятимиз бузилиб чиқсада, Шарофат опанинг машғулоти бошланиши билан баҳри-дилимиз очилиб кетади.

Опа таъкидлайдиган битта гап бор: «Сизлар баҳо учун эмас, балки келажак ҳаётларингиз учун билим олинглар».

Мана, мен ва бошқа битирувчи ёшлар институт билан хайрлашиш арафасида турибмиз. Устозларимиз билан хайрлашамиз. Бу бизга анча оғир. Лекин ҳаёт бизни устозларим айтганидек, сабр-тоқатга ўргатади.

Шарофат опа! Қўлимизни кўксимизга қўйиб, сизга доимо таъзим қиламиз!

Илёс МАМАЖОНОВ,
Тошкент темир йўллари
муҳандислари институти
битирувчиси

QUTLOV

Ҳурматли Шоқодир ШОМАНСУРОВ!

Қарийб 30 йилдирки, биз билан бир жамоада виждонан илм сирларини болажонларга ўргатиб келмоқдасиз.

Айни дамда қутлуғ 55 ёшингиз билан қутлаб, Сизга сиҳат-саломатлик, ишларингизга омад, аъло кайфият, шогирдлар ва набиралар бахтини кўриш қувончини тилаймиз.

Тошкент шаҳар Чилонзор туманидаги 270-мактаб жамоаси

Ҳурматли ва қадрли дадамиз Ҳасанбой ДОМЛАЖОНОВ ҳамда азиз онажонимиз Фароғатхон ДОМЛАЖОНОВА!

Сизларнинг 55 ёшни қаршилаётганликларингиз билан чин қалбдан муборакбод этамиз, ўқитувчилик касбини эъзозлаб ёш авлодни тарбиялашдек педагогик фаолиятларингизда омадлар тилаймиз. Бахтимизга иккаланиз ҳам доимо соғ-саломат бўлиб юришларингизни тилаймиз.

Фарзандларингиз: Гуломжон, Икромжон, Малоҳатхон, Барнохон ва набираларингиз.

ЭЪЛОН

НАБИ ҒАНИЕВ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ КИНОТЕХНИКУМИ КУНДУЗГИ ВА СИРТКИ БЎЛИМЛАРГА 1999-2000 ЎҚУВ ЙИЛИ УЧУН 9 — 11-СИНФ ҲАЖМИДА БИЛИМИ БЎЛГАН ЁШЛАРНИ ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛИКЛАР БЎЙИЧА ЎҚИШГА ҚАБУЛ ҚИЛАДИ.

Кино асбоб-ускуналари ва видео техникани ишлатиш — **киновидео-техник оператор.**

Рўзғор радио-электрон техникасига хизмат кўрсатиш ва созлаш — **радиотехник (радиотелеуста).**

Томошагоҳларга оид тадбирларни овоз техникаси билан таъминлаш — **овоз техник-оператори.**

Халқ хўжалик тармоқларида иқтисод ва режалаштириш — **техник иқтисодчи.**

Бухгалтерия ҳисоб-китоби, хўжалик фаолияти назорати ва таҳлили—**бухгалтер**.

ТАЛАБАЛИККА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТЕСТ СИНОВЛАРИ ВА ИМТИҲОН АСОСИДА ЎТКАЗИЛАДИ.
ҲУЖЖАТЛАР УМУМИЙ ҚОИДАЛАР АСОСИДА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Манзилимиз: 700095, Тошкент шаҳри, Талабалар шаҳарчаси, 2-Чимбой кўчаси, 96-уй.
Телефонлар: 46-04-00, 46-13-13, 46-47-86.

ОТА-ОНАЛАР ДИҚҚАТИГА!

Тошкент шаҳар халқ таълими Бош бошқармаси умумтаълим мактабларининг 4-синфини битирган ўқувчиларни Ҳамза туманидаги футболга ихтисослаштирилган махсус мактаб-интернатига танлов асосида қабул қилади.

Интернатга кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар:

—ариза;

—4-синф бўйича ўзлаштириш табели (5-синфга ўтказилган бўлиш керак);

—соғлиги тўғрисидаги 086-У шаклдаги тиббий маълумотнома;

—яшаш жойидан маълумотнома;

—3х4 см ҳажмдаги 2 та фотосурат.

Шунингдек, туғилганлик ҳақидаги гувоҳноманинг асли кўрсатилади.

Ҳужжат топширган ўқувчилар жисмоний ривожланганлик ва тайёргарлик текширувидан ўтганларидан сўнг босқичма-босқич 3 та (умумий жисмоний, махсус жисмоний тайёргарлик ва ўйин фаолияти бўйича) ихтисосга оид имтиҳон топширадилар ҳамда умумтаълим фанлар (математика ва она тили) бўйича тестдан ўтадилар.

Барча синовлардан муваффақиятли ўтган ўқувчилар рейтинг тизимидаги танлов асосида интернатга қабул қилинадилар.

Интернатда таълим-тарбия жараёни мазмунан янги ўқув режа ва дастурлар асосида амалга оширилади.

Аризалар қабул комиссияси томонидан шу йилнинг 25 июлигача қабул қилинади.

Манзилимиз: *Лисунов кўчаси, 1 квартал, тел: 97-09-82.*

Тошкент вилояти Юқори Чирчиқ туманидаги 19-ўрта мактаб томонидан 1992 йилда Пак Евгений Алексеевич номига берилган А-024267 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги аттестат йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Тошкент вилояти халқ таълими бошқармаси, республикада хизмат кўрсатган ўқитувчи, халқ маорифи аълочиси Назирахон Жалиловага турмуш ўртоғи **Карим МАҲКАМОВ** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ma'rifat

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси.

Бош муҳаррир
Ҳалим САИДОВ

Таҳрир ҳайъати: Йўлдош АҲМЕДОВ, Жуманазар БЕКНАЗАРОВ, Икром БЎРИБОЕВ (масъул котиб), Шукур ЖОНБОЕВ, Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ, Нўъмонжон РАҲИМЖОНОВ, Абдусамат РАҲИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Йўлдош САИДЖОНОВ, Ҳулкар ТЎЙМАНОВА, Саъдулла ҲАКИМОВ, Ўтқир ҲОШИМОВ

Рақам ва далиллар ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга жавоб қайтарилмайди. «Маърифат»дан материалларни кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилиши шарт.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси,32.
ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб—136-56-42, хатлар ва оммавий ишлар бўлими—136-55-58.

Газетани IBM компьютерида Малоҳат ТОШОВА саҳифалади.
Навбатчилар: Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ, Рустам БОЙМАТОВ

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20.
ИНДЕКС: 149, 150. Г-0549. Тиражи 24.564.
Г. 1 2 3 4 5 6 Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2.

«Шарқ» нашриёт матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси 41-уй

Босишга топшириш вақти -20.00.
Топширилди — 20.00.